ҲАМКОРЛИКДА ЯРАТИЛАДИ

ТОШКЕНТ. Ҳиндистоннинг машҳур кино артисти Раж Капурнинг учинчи ўғли Рантхир Капур Тошкентда ўзбек киночилари меҳмони бўлди. У Ўзбеккино давлат компаниясида ҳамкасблари билан Рабиндранат Тагорнинг "Ҳалокат" романи асосида ҳамкорликда бадиий фильм яратиш режаларини ишлаб чиқди. Ҳинд кино артисти Ўзбекистон мустақиллиги йилларида биринчи марта юртимизга келиши.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ЭКСПОРТ ДОЙРАСИ КЕНГАЙМОҚДА

АНДИЖОН. "Андижонмебель" ҳиссадорлик жамияти вилоят халқ таълими бўлими буюртмасига биноан барча мактаблардаги эскирган парта, стол, стулларни таъмирлаб бермоқда. Бунинг учун 3 та бригада ташкил этилган. Мебелсозлар 29-, 30-мактабларга худди яп-янгидек ўқув жиҳозларини етказиб беришди.

Ахмадилло СОЛИЕВ.

БОҒЧАДА "МЕҲРИБОНЛИК" ГУРУҲИ

БУХОРО. Тўқимачилик туманидаги 69-болалар боғчасида савобли ишга қўл урилди. Бу ерда "Меҳрибонлик" гуруҳи ташкил этилишидан кўнчилик мамнуният ҳосил қилди. Мақсад кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан 25 нафарини алоҳида гуруҳларга жойлаштириб, уларга меҳр кўрсатиш. Бунинг учун сарфланадиган 1,5 миллион сўмни туман ҳокимлиги берадиган бўлди.

Даврон БАҲРОНОВ.

УСТОЗЛАР СИНОВИДА

ЖИЗЗАХ. Вилоятнинг Зомин туманида ўтказилган республика ёш ёзувчиларининг анъанавий анжумани адабиётимиз келажагининг ўзига хос кўзгусига айланди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган бу анжуманда барча вилоятлардан қирққа яқин ёш ижодкор иштирок этиб, наср, шеърият, драматургия, танқид ва адабиётшунослик борасида фикр алмашди, устоз адибларимиз суҳбатидан баҳраманд бўлди.

Уматали ТЎРАХОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 5 июль, шанба № 78 (22.162).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ 1994 йил 5 июль — ***мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Генри Маллер бошчилигидаги «Тайм инк» корпорацияси делегацияси аъзоларини қабул қилди. 7 июль куни эса Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда юртбошимиз Ислом Каримов Фанлар академиясининг аъзоси қилиб сайланди.***

✓ 1996 йил июль ***ойида мустақил Ўзбекистонимиз спортчилари биринчи бор АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтказилган XXVI ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этишди. Ўзбекистон спортчилари делегациясини Ислом Каримов сафар олдидан қабул қилиб, уларга омад тилади.***

ЯНГИЛАНИШ УСТУВОРЛИКЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

Республика байналмилал маданият маркази ва «Халқ бирлиги» ҳаракати Тошкентда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби юзасидан илмий-амалий конференция ўтказди. Учрашувга таниқли олимлар, давлат муассасалари, ўқув юртлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари таклиф этилди.

Анжуманни «Халқ бирлиги» ҳаракати марказий кенгашининг раиси, Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети ректори вазифасини бажарувчи Т.Долимов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори М.Раҳмонқулов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг проректори Н.Комилов, Президент девони бош консультанти М.Қодиров маърузаларида давлатимиз бошлиғининг янги асаридаги асосий қоидалар: миллатлараро тотувлик ва фуқаролар аҳиллиги хавфсизлик ва тараққиёт стратегиясининг устуворлиги, миллатлараро муносабатларда диннинг ўрни, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг якунлари ва истиқболлари таҳлил қилиб берилди.

Китобда ўз ифодасини топган ва ҳозирги вақтда жамият ҳаётида содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳияти очиб берилди. Ислом Каримов янги асарининг нашр этилиши одатдан ташқари ёки кутилмаган воқеа эмаслиги, бу — муаллифнинг давр тақозоси асосида ватан ва ўз халқи тақдири тўғрисидаги чуқур ўйлари, қилинган ишларнинг ва ҳозирча ҳал этилмаган вазифаларнинг танқидий таҳлили, белгиланган мақсадлар ва мустақил Ўзбекистон танлаб олган йўлда бундан буён қўйиладиган қадамларга илмий назар эканлиги таъкидланди.

Пойтахтда ишлаб турган бир қанча миллий марказларнинг раҳбарлари конференцияда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакатда турли миллатлар ва элатлар, турли динлар вакиллари ўртасида бирлик ва тотувликни таъминлаш муаммолари амалда қандай ҳал этилаётгани ҳақида сўзлаб бердилар. Давлатимиз Конституцияси, унинг қонунлари, мамлакат раҳбарияти изчиллик билан амалга ошираётган доно сиёсат бу ишларни самарали амалга ошириш учун ишончли замин экани таъкидланди.

Конференцияда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Р.Баҳодиров сўзга чиқди.

Альфред БАРАНОВ,
ЎзА мухбири.

МУСИҚА ФЕСТИВАЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК

4 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди.

Йиғилишни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси И.Жўрабеков бошқарди. У ўз сўзида мазкур анжуман ўлкамиз шарқ маданиятининг қадимий учоқларидан бири эканлигини, ҳозирда эса унинг марказларидан бирига айланиб бораётганини кўрсатиб бериши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Фестивалнинг ижрочи директори С.Аҳроров анжуманга тайёргарликнинг бориши, ташкилий масалалар қай йўсинда ҳал этилаётгани, ҳомийлик улушлари бўйича амалга оширилган ишлар, дирекция олдида турган вазифалар юзасидан ахборот берди. Регистон майдонида амфитеатр ва саҳна қурилиши, Самарқанд боғ ва хиёбонларни ободонлаштириш, меъморий обидаларни таъмирлаш, меҳмонхоналарни қайта жиҳозлаш ишларининг бориши ҳақида Самарқанд шаҳри ҳокими А.Носиров сўзга чиқди. Унинг таъкидлашича, бу ишлар асосан тугалланган.

Фестиваль тантаналарини саҳналаштирувчи ижодий гуруҳ раҳбари, режиссёр Б.Йулдошев саҳна безаклари, намойиш этиладиган «Буюк ипак йўли» томошаси, унинг Шарқ тарихи ва маданиятини улуғловчи ғояси ҳақида гапирди. Ҳорижий мамлакатлардан қатнашчи ва меҳмонларни таклиф қилиш, уларнинг таркиби ва сонини аниқлаш масалалари бўйича олиб борилган ишлар хусусида ташқи ишлар вазирининг ўринбосари И.Эргашев ахборот берди. Узбекистон бадиий академияси раиси Т.Қўзиев фестиваль доирасида ўтадиган «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзуидаги халқаро илмий конференцияга тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида гапирди.

Мазкур халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ишлари умуман яхши олиб борилаётгани йиғилишда айтиб ўтилди. Шу билан бирга, ҳали бажарилиши зарур бўлган юмушлар ҳам анча экани, алоқадор ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам ўз вазифасини тўла-тўкис адо этмагани кўрсатиб ўтилди. Йиғилишда тегишли вазирлик, қўмита, уюшма ва ташкилотларга аниқ топшириқлар берилди. Уларни кечиктирмай, зудлик билан бажариш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев сўзга чиқди.

Ташкилий қўмита йиғилишида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси У.Раҳматов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА).

Деҳқон одам дон сочар, эл-юртига нон сочар. Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Украина Президенти Леонид Кучманинг Фармонига биноан Украина ҳукумати раҳбари вазифасини бажариб турган Василий Дурдинец шу кунгача Вазирлар Маҳкамасининг янги таркибини ташкил этиши зарур.***

* * *

☑ ***Россия Федерацияси чегара хизмати директори генерал Андрей Николаев Тожикистон ва Қирғизистонга ўз сафарини бошлади. У ўз ташрифи давомида Марказий Осиё ҳудудидаги вазият, Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги воқеалар ва бошқа масалалар хусусида ушбу республикаларнинг раҳбарлари билан учрашади.***

* * *

☑ ***Кеча Белоруссия пойтахтида Минск шаҳрининг 930 йиллигига бағишланган икки кунлик байрам тадбирлари бошланди. Тантаналарда Белоруссия Президенти Александр Лукашенко, шунингдек меҳмонлар — Москва мэри Юрий Лужков, Киев, Вильнюс ва Варшаванинг шаҳар маъмурияти раҳбарлари иштирок этишяпти.***

* * *

☑ ***Фаластин раҳбарияти Арафот ва Муборакнинг Қоҳирадаги музокараларини яхши баҳолади. Лекин фаластинлик раҳбарларнинг фикрича, Исроил билан тинчлик музокаралари жараёнини давом эттиришдаги Миср нинг воситачилиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа Иттифоқи аралашуви билан мустаҳкамланиши зарур.***

* * *

☑ ***Жанубий Ливанда ўт очишни тўхтатиш бўйича халқаро гуруҳ аъзолари Исроил қўшинларини Ливаннинг жанубидан тезроқ олиб чиқиб кетишга даъват этишмоқчи. Бинобарин кейинги пайтларда бу ердаги вазият анча мураккаблашган.***

* * *

☑ ***Магадан вилоят радио ва телевидение маркази ходимлари муддатсиз иш ташлаш эълон қилишди.***

* * *

☑ ***Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев ўзининг Москвага ташрифининг сўнгги кунида Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Борис Немцов ва бош прокурор Юрий Скуратов билан учрашди.***

Жейн Жонс Англиянинг Корнвел графлигидан, фермер. Турмуш ўртоғи Майк Жонс ҳам қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассис. Ташкил этган компанияси фермерларга турли масалаларда маслаҳат бериш билан шуғулланади.

«БИР-БИРИМИЗГА ЎХШАБ КЕТАМИЗ...»

Дунёни танишни истайман

— Жонс хоним, бизда оиланинг асосий ташвишлари аёл зиммасида. Фермер хўжалигининг ишини эса аёлсиз тасаввур этиб бўлмайди.

— Унда бу борада бир-биримизга жуда ўхшаб кетар-эканмиз. Англияда фермерлар ўзларига эпчил, ишчан, ишбилармон рафиқа излашади. Чунки майда фермер хўжаликлари ишини мутахассис ёлламай, фақат эр-хотиннинг ўзи юритиши мумкин.

Бизда 50 гектардан кам ерга бўлган фермерлар майда фермерлар ҳисобланади. Бизнинг 3 гектар еримиз, қўйларимиз бор. Майда фермерлар асосан чорвачилик ёки мевачилик билан шуғулланадилар. Биз қўйларни бир неча йил боқмаймиз — бу зарар келтиради. Қўзичоқлар тўрт ойдан кейин сотиб юборилади. Бу вақтда улар 35-40 килограмм тош босади. Етти йилдан буён кундалик юргизаман, бундай кундаликни бизда ҳар бир фермер тутади. Ана шу кузатишларимдан шундай хулосага келдим — бизнинг туманда август ойида бозорда қўйларнинг баҳоси пасайиб кетар экан. Шунинг учун режалаштирилган қўйларни июль ойидаёқ сотишга ҳаракат қиламан ёки баҳонинг яна кўтарилишини — октябрь ойини кутаман.

Майда фермерларнинг ҳам, йирик фермерларнинг ҳам ўзига яраша муаммолари бор. Масалан, боғдорчилик билан шуғулланиш катта ерга эга бўлган фермерлар учун даромад олишнинг асосий шарти. Улар кўпинча ерларини ижарага беришга мажбур бўлишади.

Майда фермерлар инқирозга учрамаслик учун ердан яхши ҳосил олишга доим ҳаракат қилишади. Улар оладиган даромад фақат оиласини боқиш учунгина етса, келгусида ишни давом эттира олмайди — келгуси йил ҳосилига уруғлик, янгидан мол сотиб олиш ва бошқа харажатларга сармоя керак бўлади. Аммо кўпинча майда фермерлар банкдан фоизли қарзлар олишга мажбур бўлишади. Қарз олиш учун анча ҳаракат қилишга, банкирни бу йил ҳосилнинг яхши бўлишига ишонтиришга тўғри келади. Аммо банкирнинг иши ҳам бир бизнес, у кўпроқ фоиз олишга ҳаракат қилиши табиий.

— Чорвачиликнинг ривожлангани, маҳсулотларингизни сотиш муаммосини келтириб чиқармайдими?

— Бу муаммо айниқса майда фермерлар орасида кескин сезилади. Харидор маҳсулотни катта партиялар билан олишни афзал кўради. Яхши нархларга сотиш учун фермерлар кооперацияларга бирлашиб, маҳсулотни бирга сотишади. Фермерлар ўғитни ҳам биргалашиб сотиб олишади. Техникани биргалашиб сотиб олишса ёки ижарага олишса, уни улушига қараб навбатма-навбат ишлатишади.

— Фермерларга давлат томонидан қандай ёрдам кўрсатишади?

— Фермер ўз ғамини ўзи ейишга мажбур. Аммо ижтимоий аҳамиятга эга бирон иш қилмоқчи бўлсак, масалан, давлат манфаатдор бўладиган маҳсулот етиштирсак, табиат муҳофазасига алоқадор ишни амалга оширсак, давлат томонидан грант берилади. Бироқ бунинг учун кўп овора бўлиш, турли ҳужжатларни тақдим этишга тўғри келади.

— Жонс хоним, сизнинг фикрларингиз шу жиҳати билан ҳам қизиқарлики, фермерларимизнинг деярли барчаси сиз айтган майда фермерлар категориясига тўғри келади. Техника, ўғит сотиб олишда маблағ етишмаслиги муаммоси уларда ҳам бор. Фермерлар етиштирган маҳсулотларини қайта ишлашдан манфаатдорми?

— Албатта. Айрим фермерлар фақат сутни сотмай, йогурт, пишлоқ тайёрлаб сотиб, оладиган даромадларини оширишади. Мен ҳам ўтган йил «жейқоб» зотли қўйларни парвариш қилиб жунини қайта ишлаш корхонасига бердим. Улар маълум ҳақ эвазига жунни ювиб, тараб, тўқишга тайёр ҳолга келтириб, 50 граммдан пакетларга қадоқлаб беришди. Бу ипларни сотсам, жуннинг ўзини сотгандан кўра уч-тўрт баравар кўп фойда оламан. Лекин бундан ҳам кўп даромад олишим мумкин.

Ипларни уйда ўтириб ишлайдиган бир гуруҳ аёлларга бериб кийим тўқитаман.

— Компаниянгиз фермерларга маслаҳат бериш билан шуғулланар экан. Биласизми, бизда битта фермер билганини иккинчи фермер текинга ҳам ўргатаверади...

— Сал кутинг, бозор иқтисоди билимингни, тажрибангни ҳам пулга сотишга ўргатади. Фермерлар орасида ўрганишга талаб катта. Коллежлар фермерлар учун қисқа муддатли ўқишлар ташкил этади. Албатта, уларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб. Бу курслар ўқиши ҳеч қачон қўзилатиш, экиш ёки йиғиш мавсумига тўғри келмайди. «Ёш фермерлар» клубларида ҳам бинойидек иш ўрганса бўлади. Бундай клубларнинг аъзолари 12 ёшдан 30 ёшгача бўлиши мумкин. Мен ёшлигимда ана шундай клубда сариёғ, пишлоқ тайёрлаш технологиясини ўрганганман. «Қишлоқ аёллари институти» эса ўз машғулотларида компьютерда ишлашдан тортиб, турли ўсимликларни парваришлаш, таом тайёрлаш, жамоат жойларида ўзини тутиш, гапириш оҳангигача ўргатади.

— Фарзандларингиз, уларнинг қизиқишлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Тўнғич қизим Сузан табиат муҳофазаси бўйича мутахассис. Иккинчи қизим Андреа тиббиёт ҳамшираси. Ўғлим Пичер ўрмончилик бўйича мутахассис. Кўриб турибсизки, касбларимиз бир-бири билан боғлиқ. Оилавий ишлардан ташқари ҳам суҳбатлашиш учун умумий мавзу топилади. Фарзандларимиз иши билан қизиқиб тураман, бўш вақтларимда невараларимга ўз қўлим билан кийим тўқишдан ҳузур қиламан.

«Ўзбекистон овози» мухбири Шарофат ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

«ЧИТНИНГ ЗЎРИ БИЗДА»

Лукма

Қўқон бозорини, тўғриси Қўқоннинг «Жаҳон бозори»ни айланиб юргандим. Бозор гавжум. Одам еру-кўкка сиғмайди. Ҳатто оёқ босарга жой тополмайсиз. Кимни кузатманг, қайси сотувчини кўрманг, қўлида даста пул! «Ё алҳазар!» дейсиз ўзингизча. Пулнинг кони бозорда эканда-а? Ҳа, майли, дейсиз-да, расталар оралашда давом этасиз. Сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бир ёнда гилам, бир ёнда турли хил мато, бир ёқда кийим-кечак, қўйингки, ҳар бир раста ўзига хос харидоргир буюмларга мосланган.

Бир пайт антиқа манзара устидан чиқиб қолдим. Бир аёл тўп-тўп тахланган чит-матоси олдида ўтирибди. «Келинг ука, читнинг зўри бизда» деди у мени харидга ундаб. Олдинига матоларга беэътибор назар ташлаб ўтиб кетмоқчи бўлдим. Лекин, кўзим читга босилган Ватан тимсолига тушиб, юрагим «жиғ» этиб кетди. Оппоқ матоҳга Ўзбекистон байроғининг тасвири туширилган экан. Во ажаб, Ватанимиз тимсолини энди бозорларда сотадиган бўлдикми!? Буям бир тадбиркор, ишбилармон кимсанинг ўйлаб топгани бўлса керак-да, «читга чиройли гул босиш ўрнига Ўзбекистон шаъни, обрў-эътибори рамзини боссак, харидор ўз-ўзидан топилади», деган ўй билан, тўғриси мўмай пул топишнинг осон йўлини ўйлаб шундай қилгандир, балки...

Мен сотувчидан «нега Давлат рамзини сотиб ўтирибсиз? Ахир, бу матоҳдан одамлар ҳар хил мақсадларда фойдаланишлари мумкин-ку!» деб сўрадим. У эса бамайлихотир жавоб қилди:

— Ука, бизга пул бўлса ҳисоб, товаримиз ўтса суюнамиз-да. Мана шу матоҳга байроқ тасвири туширилгани учун ҳам пешма-пеш сотилиб кетяпти...

— Хўп, матоҳни сотиб олишдиям, дейлик, лекин уни нима қилишади одамлар?

— Энди-и-и, сочиқ-почиқ қилсаям бўлади, дастурхонми...

Бемалол берилаётган жавобни қаранг: «сочиқ-почиқ, дастурхон...»

Тўғриси, ўша сотувчининг башарасига боплаб туширгим келди-ю, тағин ўзимни босдим. Инсофсизнинг таъзирини ҳаётнинг ўзи кўрсатсин.

Сотувчига бошқа ҳеч нарса демадим-да, матоҳдан бир метр сотиб олдим. Тўғриси, унда Ватан тимсоли борлиги учун, уни авайлаб-асраш мақсадида сотиб олдим. Лекин, бошқалар-чи! Истардимки улар ҳам байроғимизга меҳр билан, ҳурмат билан қарашса.

Маърифжон БАКИРОВ.

Партия ахбороти

ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРДА – МАЪРИФАТ МАРКАЗЛАРИ

Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов тумани ҳудудида жами 30 та бошланғич ташкилот бўлиб, шулардан 15 таси йирик ҳудудий ташкилотлардир. Ҳозир ана шу ҳудудий ташкилотларнинг 9 таси қошида маънавият ва маърифат маркази ташкил этилди.

Туман ХДП кенгаши жойлардаги партия ташкилотлари билан ҳамкорликда маънавият ва маърифат марказларининг доимо одамлар билан гавжум бўлишига эришмоқда.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАМЖИҲАТЛИК ҚАЛЪАСИ

Хўжалигимиз бу йил 880 гектар ерда ғалла, 1140 гектар ерда пахта етиштиряпти. Деҳқон яхши ишлаб, мўл ҳосил олишдан нима манфаат кўради?

Аксинча, шартномани бажармасликнинг асорати қандай кечиши мумкин? Тарғибот ишларида биз шу нарсага кўпроқ эътибор берамиз. Бугунги кунда одамлар — сувчи, чопиқчилар ҳам рақамларнинг мағзини чақадиган бўлиб қолишган. Жимжимадор гапдан кўра бор ҳолатни ифодаловчи рақам, ёлғондан кўра тўғри сўз афзал. Ишга ва гапга ёлғон аралаштирмасликнинг ўзи тўла муваффақият.

Бошқарув билан ҳамкорликда одамларга имкони борича иш ҳақи беришни таъминлаб турипмиз. Яхши ишлаётган бригадаларга ҳаваскорлик тўғарагининг концертларини уюштиряпмиз.

Ҳамжиҳатликнинг қалъаси, менимча, ана шунга ўхшаш ғиштлар қаламасидан қад кўтаради.

Х.МЕНГЛИЕВ,
Термиз туманидаги «Янгиариқ» жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби.

Давлат солиқ тизими

АСОСИЙ МАҚСАД – БЮДЖЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ



Муҳбиримиз давлат солиқ тизимида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари М.Я.Қуролов билан суҳбатлашди.

— Муродулло Ялғашевич, ҳар бир тармоқнинг ўзигагина хос хусусий жиҳатлари бор. Бироқ, бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ умумий муаммолари ҳам бўлади. Хўш, мамлакатимиз солиқ тизимида ислоҳотларнинг стратегия ва тактикаси қандай? Айни кезда тизим мутахассисларининг асосий диққати нималарга қаратилмоқда? Суҳбатимизни мана шу мавзулардан бошласак...

— Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро эта бориш чоғида солиқ ислоҳотини чуқурлаштириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Солиқ ставкалари ва нормативларининг ўзгармаслигини таъминлаб бориш масалаларида ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Соҳа мутахассисларининг асосий диққат эътиборлари қуйидаги йўналишларга қаратилмоқда: солиқлар ва мажбурий тўловларнинг сонини камайтириш, солиқ тизимини соддалаштира боришга, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга нисбатан солиқ юкининг оширилишига йўл қўйилмаган ҳолда бюджетнинг умумий даромадларида ресурс ва мулкий тўловларнинг ролини оширишга, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда маблағларнинг тўлиқ тушишини ҳамда минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал этилиши учун маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг масъулиятини ошириш ишларида мунтазам назорат олиб борилмоқда. Бюджетдан ташқари фондлар (ижтимоий суғурта фонди, бандлик фонди, йўл фонди, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб варағидаги маблағлар) ни Давлат бюджетида жамлаб, уларни шакллантириш ва фойдаланишнинг мақсадли йўналтира борилишини таъминлаш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимиз онгида иқтисодий муносабатларни ташкил этиш ва бошқаришнинг бутун жаҳон хўжалиги тажрибаси синовидан ўтган тарихий шакли — бозор муносабатларига ўтиш чоғидаги солиқ қонунчилигида янада янгича тафаккур шакилланди. Уларда мустақиллик туйғуси пайдо бўлди. Амалда ҳақиқий мулк эгалари — мулкдорлар синфи шакилланди. Сифат жиҳатидан бундай янги босқичга кўтарилиш хўжалик турмушида, бошқарув шакллари ва усулларида чуқур ўзгаришларга олиб келди. Хўжалик фаолиятига давлат томонидан таъсир этиш воситиларини тубдан янгилаш, қатъий режалаштиришдан иқтисодий воситалар — кредит ресурслари, фоиз ставкалари, божхона божлари, солиқлар орқали амалга ошириш зарурияттга айланди.

Солиқлар — мана шундай таъсир ўтказишнинг муҳим воситаларидан биридир. Бундай иқтисодий воситалар ёрдамида давлат ижтимоий эҳтиёжлари учун зарур воситаларни тўплайди, тадбиркорликнинг устувор тармоқларини рағбатлантиради, энг зарур ижтимоий муаммоларни ҳал қилади. Шу сабабли кечагина мутахассисларнинг тор доирасинигина ўзига жалб қилган солиқлар иқтисодиётдаги туб ўзгаришлар муносабати билан ҳамманинг эътиборини ўзига тортаётганлигига ажабланишнинг ҳожати йўқ.

Солиқ идоралари ташкил этилган пайтдан буён давлат бюджетининг даромад қисмини пул маблағлари билан узлуксиз тўлдиришни таъминлайдиган мунтазам тизимга айланди. Лекин шуни унутмаслик керакки, солиқ тизимининг мақсади ҳар қандай йўллар билан бюджетнинг даромад қисмини пул маблағлари билан таъминлаш эмас, балки энг аввало ҳар бир тармоққа, корхонага алоҳида ёндашувдан иборатдир.

Бундай ёндошиш солиқ имтиёзлари тизимида ўз ифодасини топади. Яъни ундирилиши мумкин бўлган солиқлар миқдорини жиддий камайтирувчи мураккаб тўплам орқали хўжалик юритувчи субъектларни, жумладан, хорижий сармоядорларни, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, ускуналар ва замонавий технологиялар сотиб олиш учун маблағ йўналтиришни ва шу йўл билан технологияларни такомиллаштириш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаршини рағбатлантиришдан иборатдир.

— Бу борада мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар олди-бердиси учун «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисобкитоблар тизимини мустаҳкамлаш учун чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонининг тизим тузилмаларида бажарилиши қандай бормоқда?

— Президентимизнинг ушбу Фармонини бажариш юзасидан 1996 йил 1 февралдан бошлаб корхона ва ташкилотларнинг балансида тўлов муддати кечиктирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари алоҳида ҳисоби юритиладиган бўлди. Шунингдек, жойлардаги давлат солиқ инспекциялари томонидан Фармоннинг бажарилишини, хусусан, республика истеъмолчиларига етказиб бериладиган маҳсулот суммасининг камида 15 фоизига тенг бўлган миқдорда олдиндан тўлов бўлган ҳоллардагина мол жўнатиш қатъий назорат остига олинган.

Шу нарсани алоҳида такидлаб ўтмоқчиманки, Президентимизнинг бу Фармони тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш билан бирга, корхоналар томонидан бозор талабига қараб, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи Фармон бўлди, десам муболаға бўлмайди. Чунки, қўмитамиз томонидан жойлардаги корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ҳамда ўзаро мол етказиб бериш масаласини ўрганиш шу нарсани кўрсатаяптики, айрим харидор корхоналар мол етказиб берувчи корхоналарга, улар мол жўнатмасларидан олдиноқ, мол учун юз фоиз пул тўлаб қўймоқдалар. Бу ўз навбатида корхоналарнинг давлат олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришлари учун қулай шарт-шароит яратмоқда. Лекин шунга қарамасдан айрим корхоналар ўртасида ўзаро тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ортиб бормоқда. Менингча, бундай ходиса, энг аввало, тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар учун эътироз, даъво ишларини яхши йўлга қўйилмаганлигидан келиб чиқмоқда.

Шу билан бирга инфляция даражаси изчил пасайиб бораётганлиги муносабати билан бюджетга тўловлар муддатини ўтказиб юборганлик учун солиқ тўловчидан ундириб олинадиган пеня миқдори тўлов муддати ўтказилган ҳар бир кун учун бўйинда миқдорининг 0,2 фоизидан 0,15 фоизигача пасайтирилди.

— Мамлакатимизда тадбиркорликнинг шакли кўпайган сайин бугун яна бир муаммо юзага келмоқда. Олайлик, тадбиркор киши тоғ бағридан ёки чўлдан аввал фойдаланишда бўлмаган ерни ўзлаштирса, керак бўлса сув олиб келиб обод гўшага айлантирса бўладими? Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Орадан маълум вақт (йиллар) ўтиб қанчалик машаққат билан деҳқончилик қилса бўладиган ерга айлантирган тадбиркор деҳқон ёки соҳибкорга солиқчилар қандай муомала қилиши керак деб ўйлайсиз?

— Тадбиркорларимизга, фермерларимизга, айниқса халқ истеъмоли моллар ишлаб чиқарувчи фуқароларимизга солиқ борасида икки йилгача имтиёзлар берилган.

Агарда тадбиркорларимизни солиқ қонунчилиги борасидаги саволлар қизиқтирадиган бўлса, ҳар бир Давлат солиқ бошқармалари негизида фаолият кўрсатаётган ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш сервис-марказларига ёки уларга тайзиқ ўтказилаётган ҳоллар содир этилган тақдирда, «ишонч телефон»ларига бемалол мурожаат қилишлари мумкин.

Узбекистон Республикасининг «Ер солиғи тўғрисида»ги Қонунида ҳам янги ўзлаштирилаётган ерлар ёки мелиоратив ҳолати яхшиланиши жараёнидаги суғориладиган ерлар лойиҳада назарда тутилган муддатда, беш йилгача солиқ тўлашдан озод қилиш белгиланган. Ушбу тартибга мувофиқ янги ўзлаштирилаётган ерлар ҳамда капитал текислаш, суғориш тармоқларини реконструкция қилиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир мелиоратив ишлар олиб борилаётган ёки комплекс тарздаги реконструкция ишлари олиб борилаётган суғориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонлари ер солиғи тўланишидан озод қилинади. Агар лойиҳада ерларни ўзлаштириш ва мелиоратив ишларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилмаган бўлса ёки бундай муддат ерлардан амалда фойдаланилишига мувофиқ келмаса, унда ер участкаси учун ердан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилмаган, балки мелиоратив ишлар ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари бажарилган йил учун солиқ тўланмайди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги энг устувор соҳалардандир. Шунинг учун ҳам уларга солиқ ставкалари бошқа соҳаларга нисбатан анча кам миқдорда белгиланган. Мисол учун, Тошкент вилоятидаги туманларда жойлашган саноат ва бошқа ноқишлоқ хўжалиги ташкилотлари учун ҳар бир гектар ерга солиқ ставкаси 48937—53437 сўмдан белгиланган бўлса, қишлоқ хўжалик корхоналарига ерларнинг сифатига қараб 1575 сўмдан 2448 сўмгача, ўртача эса 1137 сўмдан белгиланган. Бу эса тахминан 45 баробар камдир. Яна ерларнинг сифатидан ташқари ҳар бир вилоятда, туманларда деҳқончиликнинг ривожланганлиги, об-ҳаво шароитлари ҳам ҳисобга олинган. Мисол учун, Фарғона вилоятида VII-синфдаги (балл бонитети 61—70) суғориладиган ерларга 1239,4 сўм ставка қўйилган бўлса, худди шундай ерларга Сирдарё вилоятида 898,1 сўм қўйилган холос.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, янги ўзлаштирилган ерларнинг сифати кўпинча анча паст бўлади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик корхоналари, шу жумладан деҳқон хўжаликлари бундай ерларга анча кам солиқ тўлайдилар. Мисол учун, Тошкент вилоятидаги Оққўрғон туманида паст сифатли ерлар учун ҳар бир гектарига 157,9—236,7 сўмдан ер солиғи ставкаси белгиланган бўлса, юқори ҳосилдорли ерларга эса 1841,9—2760,2 сўмдан белгиланган. Шундай қилиб, ер солиғи ставкалари ерларнинг сифатига қараб табақалаштирилган тарзда белгиланган, шунинг учун ҳам бу солиқ сифати паст ерларга эга бўлган деҳқон хўжаликларига адолатлидир.

— Энди айтингчи, Олий Мажлиснинг шу йил апрелдаги сессиясида «Солиқ Кодекси» лойиҳаси қабул қилинди. Аҳамиятини нималарда сезаяпсизлар? Тизим тузилмаларида бундан кейин ўша ҳужжат бўйича иш олиб бориш қандай имкониятларни вужудга келтиради?

— Ҳозирги пайтда республикада юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш масалаларини тартибга солувчи кўплаб қонунлар мавжуд. Булар — «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонун, «Узбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Қонун, «Транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Қонун, «Ер солиғи тўғрисида»ги Қонун ва бошқа солиққа тортиш соҳасидаги махсус қонунлардир. Улардан ташқари «Ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси тўғрисида»ги Қонун, «Таълим тўғрисида»ги қонунларда ва бошқа қатор қонунларда ҳам солиққа тортиш масалалари ҳусусидаги қоидалар мавжуд.

Узбекистонда солиқ ислоҳотлари борасидаги бугунги кунда сарфланаётган кучғайратлар шуниси билан диққатга сазоворки, улар солиқлар соҳасидаги барча қонунларни ягона Солиқ кодексида мужассамлаштиришга қаратилгандир. Узбекистоннинг солиқ қонунларининг шу тариқа бирлаштирилиши барча хорижий ва мамлакатимизнинг корхона ва тадбиркорларининг солиқ тизимининг улар фаолиятига таъсирини янада равшан тушинишига олиб келади. Солиқ қонунларининг ягона кодексга бирлаштирилиши солиқлар соҳасидаги маъмурларни янада адолатли бўлишига ва солиқ қонунларига риоя этилиши соҳасида янада самарали ва фойдали фаолият кўрсатишга мажбур қилади. Шунингдек, Узбекистон Республикасининг Солиқ кодекси бугунги кунда солиққа тортиш борасида ўнлаб меъёрий ҳужжатларга тарқалиб кетган бутун қонунчилик базасини бир тизимга солишга даъват этади.

— Муродилло ака, энди мамлакатимиз солиқ тизимининг келажакдаги амалга оширадиган ишлари нималардан иборат? Мумкин бўлса, санаб ўтсангиз?

— Республикамиз иқтисодиётининг равнақи йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган солиқ идоралари олдида амалга оширилиши лозим бўлган талайгина вазифалар турибди. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир шахс Қонун асосида белгиланган солиқлар ва йиғимларни тулаб бориши лозим бўлади. Солиқ солиш-юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъии назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади. Ҳар бир соҳа тараққиётини замонавий компьютерлар, ҳисоблаш машиналарисиз тасаввур қилиш қийин.

Келгусида, ҳар бир юридик ҳамда жисмоний шахсларга оид бўлган маълумотларни, корхона, ташкилот, муассасаларга таъаллуқли бўлган барча ҳисоб-китобларни замонавий компьютерлар хотирасига жойлаштириш, соҳамиз ходимларини билимини мустаҳкамлаб боришлари йўлида иқтисодий ўқувларни мунтазам равишда олиб бориш, келгусида ҳам жаҳоннинг кўплаб давлатлари ўртасида икки ёқлама солиқ солишни бартараф эта бориш йўлидаги шартномалар устида иш олиб бориш, солиқ тўловчиларга ахборот-маслаҳат кўрсатиш сервис-марказларининг ишини яхшилаш, бунинг учун малакали мутахассисларни ўқув жараёнларида иштирок этишларини ташкил қилиш, халқ истеъмоли моллари, амалий санъат, қишлоқ хўжалиги, қўшма корхоналар, чет эл сармояларини юртимиз иқтисоди равнақига жалб этаётган тизимларга солиқ борасида енгилликлар бериб бориш, солиқ турларини камайтира бориш ва бошқа долзарб масалалар бўйича муайян ишларни олиб боришимиз керак бўлади.

Суҳбатдош:
Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

ҲАММАСИ ВАТАНГА МЕҲРДАН БОШЛАНУР

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарор эълон қилинганига ҳам ҳадемай бир йил бўлади. Ўтган қисқа давр мобайнида халқимиз маънавияти ва маърифатини ошириш йўлида кўпгина саъй-ҳаракатлар қилинди. Юртбошимиз айтмоқчи: «Халқнинг тарихий руҳи уйғонмоқда. Маънавиятнинг кўзи очилмоқда, шу туфайли одамлар қалбида миллий ғурур, она заминга меҳр-муҳаббат туйғулари камол топмоқда». Хусусан, бизнинг коллежда ҳам бу борада ташкилий-тадбирий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маънавий-маърифий масала бўйича директор муовини лавозими ташкил этилди. Алоҳида бўлим тузилди. Коллеж ва ётоқхонада «Маънавият ва маърифат» хонаси ва кутубхоналар ўзига хос жиҳозланган. Бу йилдан бошлаб маънавиятга бағишланган фан кунлари, адабий кечалар, кўрик- танловлар уюштирилмоқда. Вилоят ҳокимининг таклифи билан ҳар ойнинг биринчи жумасида «Мактаблар куни»ни биз ҳам ўтказиб турибмиз. Ойнинг ҳар сўнгги жумасида эса «Маърифат ва маънавият куни» ўтказилади. Ниятимиз 300 дан зиёд ўғил-қизни замон талабларига мос касб-корга эга бўлган, қадриятларимизни эъзозлай биладиган, бой маънавий меросимизга ҳурмат билан қарайдиган ёшлар қилиб тарбиялаш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқдамиз.

М. ҲАЛИМОВА,
Шаҳрисабз технология коллежи директорининг ўринбосари.

ГЎШТИ ЯХШИ-Ю, ЖУНИ САБИЛМИ?

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон шаҳар-қишлоқлари аҳолисини гўшт ва сут маҳсулотига бўлган талабини қондириш мақсадида ҳайрли тадбирлар уюштирилмоқда. Айниқса, кам таъминланган оилаларга сигир, қўй-эчкилар берилишидан аҳоли мамнун. Бироқ кексалар, деҳқону чўпонлар билан ўзаро суҳбатда шу нарса аён бўлдики, 3-4 тадан қўй, 2-3 тадан эчкиси бор хонадонларда ўзига хос муаммо юзага келган. Боиси, йилига 2-3 марта жониворларнинг жуни олинади. Ҳар қирқимда 2-3 килограммгача жун йиғилади. Нима қилиш керак? Ташласанг увол, бозорга олиб борсанг биров сўрамайди. Ваҳоланки, аҳолидан бундай қимматли хом ашёни йиғиб олиш йўлга қўйилса, кўплаб кийим-кечаклар тайёрлаш учун замин юзага келармиди. Қани энди бир тадбиркор бўлса-ю бундай муаммонинг ечимини ҳал қилса.

Отабек ХУДОЙҚУЛОВ.

ОМОНАТ КАССА ЭМИШ...

Пойтахтнинг «Бешёғоч» майдони, қолаверса, «Ўзбекистон миллий боғи» рўпарасидаги муҳташам бино тепасига йирик ҳарфларда, оқшомлари нур сочадиган қилиб ёзилган ҳарфларни кўриб ҳайратга тушдик. Нима эмиш — «Пулларингизни омонат кассаларида сақлангиз!» Бу гап хитобми, таклифми, даракми тушуниш қийин. Муҳими, бу ёзув собиқ Иттифоқ давридан эсдалик экани аён. Боиси, одамлар ҳозир ўз жамғармаларини омонат кассаларда эмас, аллақачон халқ банкларида сақлаш лозимлигини яхши билишади. Наҳотки, мутасадди ўртоқлар истиқлол шарофати билан амалга оширилаётган ўзгаришлардан бехабар бўлсалар.

Мунира АЗИМОВА.

ҚИРҚКОКИЛ

Содиқжон МАҲКАМОВ олган сурат.

«Хатлар, хатлар, хатлар» рукни материалларини Ҳайдар НОСИРОВ саралади.

«АДАШГАН» АЙҒОҚЧИЛАР

...1274 ҳижрий, йилқи йилининг баҳор ойларида (1858 йилнинг 26 апрелида) Сирдарё соҳилидаги Янгиқўрғон мавзесида, қалин тўқайзорда «адашиб» юрган бир гуруҳ ажнабий фуқаролар Қўқон хонлигининг чегара соқчилари томонидан асир олиндилар. Асир олиш осон кечмади. Қилич ва қалқон билан қуролланган 20 нафар чегарачи ўқ отар қуролли ўн «адашган»ни мардлик ва жасорат билан енгишди. Асирлар орасида зоология магистри (фан номзоди) Н. Северцев ҳам бор эди. У ўн икки жойидан қаттиқ яраланганди.

Асирлар «ов қилиш» мақсадида чакалакзорда юришгани, «мутлақо тасодиф» хонлик ҳудудига кириб, адашганини айтишди. Уларни банди қилиб Янгиқўрғонга келтиришди. Бу воқеадан хабар топган Русия ҳарбий нозири Туркистон қалъаси беги Мирзо Ниёз додҳо Мақсулбей ўғли устига яхши қуролланган уч юз нафар казак аскарларини жўнатди.

Қалъа беги «дўст қўшнилар» билан орани бузишни истамади ва Н. Северцев ва унинг «адашган» ҳамроҳларини от аравалларда Авлиё ота қалъаси (Перовска) кузатиб қўйди.

Олим Северцев гуруҳи зиммасига иккита вазифа юклатилганди. Биринчи Перовск қалъасида рус аскарлари учун қурилаётган янги казармалар учун 40 минг дона тўсин тайёрлаш ва дарёда сол усулида қалъага етказиш. Иккинчиси, рус аскарлари учун чакалакзорда сероб турли ҳайвонларни овлаш, ҳамда хонликнинг ҳудуди, мудофаа истеҳкомлари, кучи ҳақда разведка маълумотлари тўплаш. Зоология бўйича мутахассис бўлган Северцевнинг «олим»лиги шунчаки қалқон, қўлга тушган тақдирда ҳимоя йўли эди, холос. Северцев Чор маҳфий хизматининг агенти бўлган.

Туркистон хонликларига илк очилган «дарча» — Перовскдаги босқинчиларнинг шум ниятларидан яхши хабардор бўлган қозоқ йигити Есет Қотибаров хиваликлар билан тил бириктириб, 1853 йилда бир ярим минг нафар отлиқ навкарлари билан руслар ишғол қилган қалъага ҳужум қилган, аммо кучлар тенг эмаслиги натижасида енгилиб, асир тушиб қатл этилганди.

«Адашган» олимлар билан тўқнашувда бир неча нафар Қўқон чегарачилари мардона ҳалок бўлишди. Оренбург генерал губернатори А. Катенин 1858 йил 22 июлда Русия ташқи ишлар вазири И. Толстов номига ёзган хатида «Туркистон қалъаси беги Мирзо Ниёз ҳар бир ҳалок бўлган қўқонлик навкар ҳуни тариқасида 80 от миқдорида товон тўлашни талаб қилгани»ни айтиб, «Бу ёввойларини тезроқ тиз чўктирмасак, ҳаддидан ошишлари мумкинлигидан огоҳ этган...

Маълумки, иштаҳаси карнай Чор Русияси босқинчилари қадим ўлкамизга ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб очиқдан-очиқ кўз олайтиришга ўтишди. Қозоқ ва туркман чўлларида иккита кемада, уч юз нафар «баликчи» ниқобидаги пухта қуролланган аскарлар билан 1858 йилда Хива хонлиги ҳудудига киришади. Орол денгизи орқали, Амударёнинг дельтасидан қаршиликсиз ўтиб, токи Қўнғирот қалъасигача етиб келишади. Хонликдан норози бўлган айрим қабилалар орасида «саҳоватпешалик» қилиб, уларга турли «ноёб» совға-саломлар тарқатишади. Совғалар — кўзгу, сақич, тугма, шакар ва болалар ўйинчоқлари айрим аламзада кишиларнинг кўзини ўйнатиб, уларнинг аврашларига лаққа тушадилар. 1858 йилда Бутаковнинг «илмий экспедицияси» натижасида хонликнинг чекка, мустаҳкам қалъаси Қўнғиротда хонга қарши исён содир бўлади.

Хива хони «чақирилмаган меҳмонлар»га қарши ўн минг кишилик қўшин жўнатади ва Қўнғирот яқинидаги дарёда Бутаков кемалари қуршаб олинади. Иложсизликка тушган фитнакор Бутаков «Хива чегараларига адашиб кириб қолгани ва икки дўст мамлакат ҳамиша дўстлик тамойилларига риоя қилажаги» ҳақда айтиб кечирим сўраган.

Беҳуда қон тўкмаслик, яқин қўшни билан муносабатларни бузмаслик тарафдори бўлган хон, гарчи қўли баланд бўлсада, урушга йўл қўймади ва «адашганлар»ни безиён ортига қайтариб юборди. Хонлик бундай ҳол такрорланмаслиги учун дарёга ўн-ўн икки метр узунликдаги минглаб йўғон ёғочлардан ихотақозиқ қоқтириш билан кифояланди. Худди шу ҳимоя воситаси туфайли 1873 йилда Хивага юриш қилган рус кемалари Амударёда эркин маневр қилиш имконидан маҳрум бўлдилар.

Хива хонлигига «адашиб» келиб қолган яна бир олим типограф Г. Н. Зеленин бўлиб, у рус элчилари соясида 1842 йилда қадим шаҳарга ташриф буюради. Чор маҳфий хизмати ходими бўлган олимга шаҳарнинг тархини чизиш топшириғи берилганди. Чунки, 1839 йилги князь Перовскийнинг хонлик қўшинидан шармандали маглуб бўлгани алами ҳали кетмаган, босқинчилар қасос илинжида эдилар.

Элчилар ўз вазифаларини бажариш билан овора кезда Зеленин гўёки шаҳарнинг гўзал обидаларини, бозорлари, маҳаллаларини томоша қилиш учун ҳар куни сангиб юради. У бозордан бир-икки қовоқ ҳарид қилар, ҳар сафар ўзлари вақтинча бошпана қилган мадрасага боргунча турли кўчаларда «адашиб» қолар, одамлардан «йўл сўрар», айни пайтда қаламтарош билан қовоққа қандайдир белгилар қўярди. Кечалари эса қовоқдаги белгиларни қоғозга тушираради. Шу тариқа топограф хўжайинлари топшириғини аъло даражада адо этди.

Чор армияси полковниги М. Н. Венюков Зеленин томонидан қовоқ воситасида чизилган Хива

товлар битиладики, гўёки улар «буюк кашфиётлар» очишган, «илмий кузатувлар» олиб боришган, ўлканинг бойликларини кашф қилишган. Аслида, ҳақиқатга яқинроқ борсак, ўтган асрда ўлкамизга ташриф буюрган барча тармоқ олимлари маҳфий хизмат маҳкамаларининг агентлари бўлиб, уларнинг бирламчи вазифаси «айғоқчилик» кейинги иши эса илмий текшириш эди. Биз юқорида бир неча шундай олим — «адашган» айғоқчилар ҳақида айтдик. Улар майда олимлар, номи асрдаёқ унут бўлиб кетган. Аммо, ҳамон «Шарқнинг билимдони», «Шарқнинг энциклопедияси» деб аталиб келинаётган, у ёки бу маънода фан учун илмий ишлар қилган машҳур олимлар, академиклар ҳам бор-йўғи айғоқчилар холос.

Улардан номи бизга яхши таниш бир нечтасини эслатамиз. Херман Вамберн, Адамс Бернс, Леополд Треппер, Бартольд, Бертельс...

Комилжон НУРЖОН,
«Олтин мерос» халқаро жамғармаси Хоразм вилояти бўлими раиси.
Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

АҚШ давлат департаменти вакили Жон Дингер 16-17 июль кунлари Нью-Йоркда Америка ва Куба ҳукумат аъзолари ўртасида муҳожирлар масаласи бўйича музокараларнинг навбатдаги босқичи бўлиб ўтишини маълум қилди. Мазкур учрашувда муҳожирлар тўғрисидаги битимнинг бажарилиши ҳамда АҚШ-Куба муносабатлари муҳокама қилинади.

* * *

АҚШ Президенти Билл Клинтон июль ойида НАТОнинг навбатдаги йиғилишидан сўнг Польша ва Руминия Президентлари, шунингдек Дания қироличаси таклифига биноан ушбу мамлакатларда меҳмон бўлади. АҚШ Президенти Польшага 20 йиллик муддат ичида иккинчи бор ташриф буюрса, Руминияга эса илк марта боради.

* * *

Чехиянинг Карлови Вари шаҳрида 32-Халқаро кинофестивали очилди. Бу фестивалда 18 фильм намойиш этилади.

* * *

Президент Билл Клинтон мамлакат мустақиллиги куни муносабати билан ўз ватандошларига — мамлакатда яшайдиган америкаликларга мурожаат қилди. У Американи инсон ҳуқуқлари тўла ҳимоя қилинган, ҳар томонлама ривожланган мамлакатга айлантиришга даъват этди.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

КИЕВ. *Куни кеча Украинанинг Измаил шаҳрида Украина, Руминия ва Молдавия Президентлари — Леонид Кучма, Эмил Константинеску ҳамда Петр Лучинскийнинг учрашуви бўлди. Унда ушбу уч давлат ўртасида умумий иқтисодий ҳудуд барпо этиш масаласи муҳокама қилинди.*

Учрашув якунида уч томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди.

* * *

КОБУЛ. *Афғонистонда толибларга қарши бирлашган кучлар мамлакат шимолидаги Тахир вилояти маъмурий маркази — Талуқан шаҳрини тўла назорат қилмоқда.*

Маълумки, 2 июль куни «Толибон» ҳаракати Талуқан шаҳрини забт этгани ҳақида хабар тарқатган эди. 3 июль куни эса Аҳмадшоҳ Масъуд мазкур хабарни мутлақ рад этди. Унинг маълум қилишича, бирлашган кучлар Талуқан шаҳрини назорат қилиш билангина чегараланиб қолмай, вақти-вақти билан толибларга қарши ҳужумлар ҳам уюштирмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, бу ҳужумлар натижасида толиблар Хонободдан чекинишга мажбур бўлган.

***

ПХЕНЬЯН. *4 июль куни КХДР ва Корея Республикаси ўртасида бирлашув ҳақидаги қўшма баёнот имзоланганига 25 йил тўлди. 1972 йили Шимолий ва Жанубий Корея вакиллари бутун жаҳонга миллий бирлашувнинг уч асоси — мустақиллик, тинч бирлашув, буюк миллий ҳамжиҳатлик ҳақида маълум қилган эди.*

1980 йилда Корея Меҳнат партияси икки тизим ва икки ҳукуматни сақлаб қолган ҳолда ягона конфедератив давлатга бирлашиш ғоясини илгари сурди. Кейинроқ, 1993 йил 6 апрелда эса Ким Ир Сен «Ватанини бирлаштириш учун миллатни буюк ҳамжиҳатлаштиришнинг 10 моддадан иборат дастури»ни эълон қилди. Бироқ, КХДР ва Корея Республикаси ўртасидаги ихтилофлар бу ғояларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда.

6 июль куни КХДР собиқ президенти Ким Ир Сен вафотига 3 йил тўлади. Мутахассислар собиқ раҳбарнинг ўғли Ким Чен Ир энди КХДР Президенти лавозимини эгаллайди, деб тахмин қилмоқдалар.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Ўтган чоршанба куни Лондон суди мамлакат пойтахти ва Англиянинг жанубий-ғарбий қисмини электр энергияси билан таъминловчи станцияни портлатишда айбланаётган Ирландия Республикаси армиясининг кўзга кўринган олти аъзосини 35 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди, деб хабар беради «Франс Пресс» агентлиги. Қўпорувчилар ўтган йилнинг июль ойида полиция томонидан амалга оширилган катта операция жараёнида қўлга туширилган эди. Фақат Лондон атрофидагина 7 мингдан зиёд омбор ва гаражлар текшириб чиқилганди.

* * *

1997 йилнинг 10 июль куни Америка Қўшма Штатларида «Телестар-1» дастлабки алоқа йўлдоши учирилганлигининг 35 йиллиги нишонланади. ДПА агентлигининг хабарига кўра, илмий-тадқиқот институтлари ва муассасалари байрам тантаналарининг марказига айланади. Агентликнинг хабарига кўра, дастлабки йўлдош бор-йўғи 85 килограмм тош босган экан.

Эй, сен чархи фалак, чархи кажрафтор,
Бунча имиллайсан, ингранасан зор.
Қара атрофингга, бу дунё шодон —
Бу озод юрт бедор, бу юрт бахтиёр!

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

2. АСОСИЙСИ — КУТИЛМАГАНДА ПАЙДО БЎЛИШ

Ниндзялар тўғри келсакелмаса жанг қилишни ёқтиришмайди. Масалан, яхши қуролланган самурайлар билан очиқ жанг олиб боришмаган, уларга ён беришган. Ниндзяларнинг усули кутилмаганда, шовқинсиз ҳужум қилиш. Бундан ташқари сабр-тоқат билан пайт пойлаш уларнинг асосий шиори бўлган. Қанчалик оғир ёки даҳшатли бўлмасин улар учун кутиш шартли қонуниятга айланган. Бир мисол: ниндзя самурайдан ўч олиш учун унинг саройдаги хонасига киради ва махсус «тирноқлари» билан шифтга ёпишиб олади-да, «душман»ни кутади. Лекин хонага самурай меҳмон билан киради ва беш соат шашка ўйнашади. Шунча вақт давомида ниндзя шифтда қимирламай, борлигини сездирмай ёпишиб тураверади. Меҳмон хонадан чиқиб кетгачгина у ўз ишини бажаради.

Бундай сабр-бардош эгаси бўлиш учун ниндзя авваламбор ўз «мени»ни тушуниши керак. Бундан ташқари яшириниш санъатини ҳаётий даражага етказиш учун қаерда бўлмасин — ўрмондами, тоғдами, чўлдами, шаҳардами, уйдами — ўша жой кўринишларига мослашиш, қисқаси табиат билан уйғунлашиш, унга сингиб кетиш сирларини билиши керак. Мана нима учун улардан ақлий-маънавий етуклик талаб этилади. Улар нафас олиш ва чиқариш машқларини алоҳида руҳ ила ўрганишган. Негаки, бу машқлар натижасида «ки» деб аталмиш ҳаётий энергияни қандай бошқариш ва сарфлашни муқим эгаллашган. Шунинг учун ҳам қўлнинг оддий кафти билан душманнинг ички аъзоларини ишдан чиқара олган. Руҳий машқлар натижасида эса улар «ақлсизлик» тушунчасига эга бўлишган. «Ягона тана» қоидасига амал қилиб, бутун тананинг ҳар бир нуқтасини бошқариш ва ҳаракатга келтириш машқларини муайян ўрганиш асосида рақибининг нафақат ҳаракатини олдиндан сезиш, балки ўй-хаёлларини ҳам уқиб олиш хусусиятига эга бўлишган. Эшитиш қобилияти-да уларда ўзгача, яъни ерга «қулоқ бериб», самурай отлиқлари неча километр узоқликда келаётганини аниқ билишган. Улар ёнламасига югуриш техникасини шунчалик мукаммал билишганки, бу ўрта аср саройларидаги тор йўлакларда бемалол ҳаракат қилиш имкониятини берган. Уларнинг енгил ҳаракатидан ўрмондаги шох-шаббалар синиш эҳтимоли у ёқда турсин, ҳатто ердан кўтарилиб тортилган бир парча қоғоз устида капалакдек енгил туришаверади, қоғоз йиртилмасди, шохдан-шохга маймундек сакрашарди, чинни идишларни синдирмаган ҳолда устида ўйнашарди.



Ниндзя санъати болаликдан ўргатилади. Соғлиғига зарар етказмаган ҳолда устозлар шогирдларини мураккаб шароитларга «гирифтор» этишарди, ҳатто сунъий равишда оёғини тизза бўғимидан чиқаришиб, оғир вазиятдан қутулиб кетишни талаб этишарди. Кейинчалик 20 сантиметрли тешикдан ҳам ўтиш қобилиятига эга бўлишган.

Ўрта аср ниндзяларининг яна бир жиҳати шундаки, улар жангда ҳийла-найрангларни кўп қўллашган ва шу найрангларга душманни ишонтиролган, яъни масалан, ниндзя ўзига тушган зарбадан инграб, буралади ва ўқчиб қон тупуради. Шу пайт душман уни «жароҳатлагани»дан мамнун бўлиб, бепарволашади. Шунда ниндзя уни бир ёқлик қилади. Аслида эса ниндзялар қонни милкларидан сўриб чиқаришади.

Энди бугунги кун ниндзялари ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтсак. Ҳозир Японияда «сабр-тоқатлилик» санъатини ўргатувчи кўплаб мактаб ва тўгараклар мавжуд. Бироқ ҳозиргилари аввалгиларидан тубдан фарқ қилади, яъни тарихда ниндзяларнинг асосий мақсади ўз уруғ-аймоғини душмандан ҳимоя этиш бўлган бўлса, ҳозир жисмоний ва маънавий камолот асосий мезон ҳисобланади. Масалан, Масааки Хацуми бошчилик қилаётган машҳур Тогакурэрю ниндзюцу мактабида жанговарлик сирларини эгаллаш билан бирга чиройли ва аниқ ёзиш санъатини ҳамда Япония классик шеъриятини ҳам ўрганади. Мактабда ўқиш уч табақага бўлинган. Биринчи — энг пастки табақада жисмоний тайёргарлик асосларини ўрганишади, яъни полга қаттиқ йиқилиш, шовқинсиз ҳаракатланиш, яширириш, эмаклаб юриш сингари. Афсоналарда айтилишича, тажрибали ниндзялар бир кунда 300 километр масофагача эмаклаб боришган. Мактабнинг биринчи табақасини муваффақиятли битирганларга генин унвони берилади. Иккинчи табақани тамомлаганлар эса тюнинлар деб юритилади. Бу табақада боланинг руҳий имкониятлари тарбияланади. Бешта руҳий ҳолат (қўрқоқлик, ялқовлик, жиззакилик, пасткашлик, иродасизлик) ва бешта хусусият (очлик, қониқиш, хирс, калондимоғлик, қизғанчиқлик) инсон табиати сифатида ўргатилади. Шулар асосида ниндзя душманнинг ожиз томонларини илғаб олади ва мақсадга эришиш учун рақибининг ожиз томонидан зарба беради. Улар хавфни ички ҳислари орқали сезади ва ундан қутулиш чораларини тезда тополади.

Ва охирги табақа — дзенинлардир. Бу даражага етган ниндзя ўз «касби»нинг барча сирларини эгаллаган бўлади.

Ўрта асрда Японияда генинлар жосуслик ишларига ундалган бўлса, тюнинларга кичик гуруҳларга бошчилик қилиш, операция режаларини тузиш ишлари топширилган. Дзенинлар эса жамоа бошқарувчиси бўлишган. Бироқ эндиликда замон ўзгарди, ўз навбатида ниндзячилик ҳам. Замон энди улардан бағритошларча қотилликни талаб этмайди. Бироқ аввалгидек тезкор ва аниқ ҳаракатлар талаб этиладиган воқеалар содир бўлса, албатта, яна ниндзялар ёрдамига мурожаат этилади.

Айрим маълумотларга кўра, Америка махсус хизмати бугунги кунда ҳам ўрта аср Япония ниндзялари тажрибасидан кенг фойдаланади. Бунга 1980 йил май ойида Эроннинг Лондондаги элчихонаси Эрон террорчилари томонидан босиб олинганда қўлланган усулни мисол қилиб келтириш мумкин. Ўшанда ёвуз ниятли террорчилар элчихона ходимларини гаровга ушлаган, агар айтилган нарсаси бажо келтирилмаса, ҳар ярим соатда биттадан ходим ўлдирилишини айтишганди ва ҳатто икки нафарини ўлдиришганди ҳам. Шунда ниндзялар кийимидаги АҚШнинг махсус хизмати бўлинмаси уларга қарши жангга киришган. Хайратланарлиси шундаки, саноқли дақиқалардаёқ террорчиларнинг 3 нафари ўлдирилиб, қолгани қўлга олинади. Террорчилар ҳатто қаршилик кўрсатишга ҳам улгуришмаган. Жангчилар ҳаракатидан кўриниб турибдики, ниндзялар услуби бугунги кунда ҳам нечоғли буюк жанговарлик кашф этгани айни ҳақиқат.

Хорижий манбалар асосида Алимқул СУЛТОНОВ тайёрлади.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 7

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бахтим, сени қуйлайман». Фильм-концерт.
9.05 «Бир ўлка-ки...»
9.35 «Илм — ўзликни билмакдир...» Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.30 «Эртаклар — яхшиликка етаклар». «Хўжайин ва хизматкор».
11.00 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
11.30 «Кўк қуш». Бадиий фильм.
13.10 «Ислоҳот ва масъулият».
13.30 «Мусиқий хазина». Насруллойи.
14.00—14.05 Янгиликлар.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Сеними, шошмай тур!». Мультфильмлар.
18.35 «Фан — тараққиёт негизи». Маърифий кўрсатув.
18.55 «Дийёр». Тележурнал.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Мумтоз наволар.
21.35 «Саҳна ҳаёти».
22.05 «Келин-қуёв» Теле-шоу.
22.40 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Виждон». Телесериал. 7-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Эркин Воҳидов. «Дониш қишлоқ латифалари».
00.25—00.30 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Маслаҳат».
18.50 «Дойче Веллс» тақдим этади...»
19.10 Эълонлар.
19.15 «Ахборот» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 «Олтин кент».
19.50 «Отель «Башни Фолти». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 Кундалик.
22.55 «Авлодимиз».
23.10 «Акс».
23.30 «Спорт қитъаси».
24.00 — 00.10 Кундалик.

III
17.15 Янгиликлар.
6.30—8.00, 17.20—20.30 Россия жамоат телевиденияси.
20.30 «Дам олиш вақти». Тўқимачилик комбинати ёшларнинг дам олиш фаолияти ҳақида.
20.50 «Тошкент». Манзарали фильм.
21.00—21.30 Россия давлат телевиденияси.
21.30 Реклама.
21.35 «Жиноятчи «Антуан». Бадиий фильм (Франция).
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10—18.45 Туркия телевиденияси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқаруссель».
19.05 Реклама.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Америкага назар».
20.55 «Янги иқтисод».
21.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 Реклама.
22.00 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.50—23.00 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 9

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов номидаги I Республика ёш хонандалари кўрик-танлови ғолибларининг концерти.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Туркистон — мусаввирлар маскани».
9.35 «Дорбозлар». Қўқон шаҳридаги дорбозлар ва қўғирчоқ театрлари фестивали.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун «Қувноқ ёз — ўтмоқда соз».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Математика.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.35 «Машраб ёли». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.15 «Бинафшаранг шар». Бадиий фильм.
13.30 Дутор мақомлари.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мюнхаузеннинг саргузаштлари». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.25 «Бармоқлар сеҳри».
18.40 Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар: «Маслак ва мақсад».
19.00 Мумтоз наволар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ўзбекистоннинг иккинчи мўъжизаси: Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Қўшиқ фестивали.
21.45 «Абадият қўшиғи». Публицистик кўрсатув.
22.10 «Шаҳар бедарвоза эмас».
22.40 «Виждон». Телесериал. 8-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «Насаф» (Қарши). (Ёзиб олинган).
00.40 — 00.45 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Мусиқий шарқ».
18.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Отель «Башни Фолти». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.15 «Спорт қитъаси».
23.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.25—00.35 Кундалик.

III
17.15 Янгиликлар.
6.30—8.00, 17.20—20.30 Россия жамоат телевиденияси.
20.30 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
21.00—21.30 Россия давлат телевиденияси.
21.30 «Гуллонлар маликаси». Телефильм.
21.50 Реклама.
21.55 «Канизак Изаура». Телесериал.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10—18.45 Туркия телевиденияси.
18.45 «Мультқаруссель».
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Бизнес мирас».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Автосалтанат».
20.20 «Дунё ва болалар».
20.40 «Нафосат гулшани».
21.15 «Бу ажиб дунё».
21.35 «Азизим».
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.00—23.10 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 10

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Қўшиқ фестивали.
9.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Виждон». Телесериал. 8-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бир дунё болаларимиз».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Физика.
11.00 «Ассалом, яшон тили!»
11.40 «Малина винноси». Бадиий фильм.
13.05 «Шаҳар бедарвоза эмас».
13.35 «Комил инсон соғинчи». Публицистик кўрсатув.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.
18.30 «Ранглар жилоси».
18.45 Фольклор-этнографик ансамбларининг «Зилол—97» телефестивали.
19.05 «Йўллар ва манзиллар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ишингиз бароридан келсин!». Қимматли қоғозлар бозори.
21.55 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. Софокл. «Электра». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ўзбек киноси ижодкорлари». Ражаб Адашев.
00.15—00.20 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.45 «Болажонлар экрани».
11.10 «Табиат шифохонаси».
11.20 Дилором наволар.
11.35 «Глобус». Телеальманах.
12.00—13.40 Видео—»О».
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Кўзмунчоқ».
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Дубляж».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сир».
20.10 «Мутойиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иймон».
21.25 Мумтоз наволар. «Муножат».
21.50 Эълонлар.
22.00 «Кино жавонидан».
23.30 — 23.40 «Даракчи».

III
17.15 Янгиликлар.
6.30—8.00, 17.20—20.30 Россия жамоат телевиденияси.
20.30 «Мусиқа ҳамма учун».
21.00—21.30 Россия давлат телевиденияси.
21.30 Реклама.
21.35 «Талаба». Бадиий фильм (Италия).
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10—18.45 Туркия телевиденияси.
18.45 «Мультқаруссель».
19.00 Реклама.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «02 тўлқинида».
20.10 Реклама.
20.15 «Эльдорадо». Телесериал.
20.45 «Дунё ажойиботлари».
21.15 «Интер-спорт».
21.25 «Исроилга саёҳат».
21.40 «Компьютер-ревю».
21.55 «Каталог».
22.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.35 «Айчурек».
23.05—23.15 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 11

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Ёш эстрада хонандалари куйлайди.
8.50 «Юзма-юз».
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Алишер Навоий».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳамқорлик ришталари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Умумий биология.
11.00 Немис тили.
11.30 «Талабалар саҳнасида».
12.00 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.20 «Вов лақабли мушукча». Мультфильм.
12.30 Софокл. «Электра». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.25 «Чегем ҳангомаси». Бадиий фильм.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.30 «Куйла, ёшлигим».
19.00 «Қалб ганҳари». Адабий-маърифий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Қиш гамини ёзда енг». Муборак газни қайта ишлаш заводи.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.20 «Мақом кечаси».
21.50 Хива—2500. «Меҳр макони». 4-кўрсатув.
22.10 Теннис Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Япония.
22.40 «Виждон». Телесериал. 9-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нафосатга бахшида умр».
00.15 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Кўзмунчоқ».
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Бир жуфт қўшиқ».
9.40 «Билиб қўйган яхши».
9.50 «Дубляж».
10.05 «Сир».
10.20 «Мутойиба».
10.35 «Иймон».
11.00 Мумтоз наволар. «Муножат».
11.25 — 12.55 «Кино жавонидан».
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эртага — шанба».
18.25 Эълонлар.
18.30 «Бор экан-да, йўқ экан...».
18.45 «XXI аср авлодлари».
19.05 «Хуш келибсиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дил дафтари».
20.00 «Жарангдор соз».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Таниш ва номаълум».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 «7 дан 70 гача».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20 — 00.30 «Даракчи».

III
17.15 Янгиликлар.
6.30—8.00, 17.20—21.30 Россия жамоат телевиденияси.
21.30 Реклама.
21.35 «Канизак Изаура». Телесериал.
22.05—22.35 Россия давлат телевиденияси.
22.35 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
23.25—23.45 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10—18.45 Туркия телевиденияси.
18.45 «Мультқаруссель».
19.00 Реклама.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 «Уй остонадан бошланади».
20.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.00 «Эльдорадо». Телесериал.
21.50 «Иулингиз бехатар бўлсин!».
22.20 «Рангинкамон».
22.50 «Жума куни ишдан сўнг».
23.10 «Китоб растаси».
23.30—23.40 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 12

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Мақом кечаси» (такрор.).
9.05 «Саёҳат». Мультфильм.
9.15 «Виждон». Телесериал. 9-серия.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.00 «Шу Ватанга бордир менинг қарагим».
10.25 «Мен билган, билмаган дунё».
10.45 Хабарнома.
10.50 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Бадиий фильм.
12.20 «Маънавият» видеоканали.
13.20 — 15.20 ЎзТВ хазинасидан. Саид Аҳмад. «Фармонбоби арадлади». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Фаррух ва Зумрад», «Эчкичанинг шохи уси». Мультфильмлар.
18.25 «Гулгунчалар».
18.40 «Ҳайрат». Адабий кўрсатув.
19.05 «Олтин мерос». Рақс, рақс, рақс.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти янгиликлари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Каримбой Раҳмонов қўйлайди.
22.00 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Япония.
22.30 А. Абдураззоқов. «Ўртоқ Бойкенжаев ва бошқалар...». Видеофильм.

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
23.40 «Жаҳон киноси юлдузлари».
24.00 «Қоҳиранинг қирмизи атиргули». Бадиий фильм.

II
9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.15 «XXI аср авлодлари».
9.35 «Хуш келибсиз».
9.55 «Дил дафтари».
10.00 «Жарангдор соз».
10.25 «Ривоят».
10.35 «Таниш ва номаълум».
10.55 «Кинонигоҳ».
12.25 — 12.45 «7 дан 70 гача».
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Боланинг тили».
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Қўшиқлар жилоси».
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.10 «Ҳанда дўкони».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Дармон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мафтункор чеҳралар».
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 «Умрбоқий мерос».
22.25 «Интер-футбол».
22.45 Эълонлар.
22.55 Видео—»О».
00.30 — 00.40 «Даракчи».

III
17.45 Дастурнинг очилиши. Реклама.
17.50 Болалар учун фильм. «Азиз».
18.55—22.20 Россия жамоат телевиденияси.
22.20 Реклама.
22.25 «Янги қасоскорлар». Телесериал.
00.05—00.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мискар».

IV
9.00 «Аэробика».
9.20 Реклама.
9.25 Кинонинг олтин асри. «Қум конлари генераллари». Бадиий фильм.
10.55 «Шанба эртаги».
11.55 «Рақслар қанотида».
12.25 «Учунчи шифокорлар». Телесериал.
13.10—13.30 Корейс тилини ўрганамиз.
17.10—18.45 Туркия телевиденияси.
18.45 «Мультқаруссель».
19.00 Реклама.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Фаришта».
20.15 «Шанба оқшомида».
20.25 Реклама.
20.30 «Спектаклдан сўнг».
21.00 «Ассалом, Франция!».
21.20 «Манбалар».
21.40 «Эсдалик учун дастхат».
22.10 «Хит-коллекция».
22.30 «Бу ажиб дунё».
22.50—23.00 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 13

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Соғломжон—полвонжон».
11.30 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.10 «Мусобақалар, очколар, ютуқлар».
12.25 А. Абдураззоқов. «Ўртоқ Бойкенжаев ва бошқалар...». Видеофильм.
13.35 «Нурли қелажак». Видеоканал.
14.35 — 16.05 «Юзсиз». Бадиий фильм.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Болаларга бахшида умр».
18.30 «Баҳодир Шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 6-қисм.
19.00 Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашуви. Ўзбекистон — Яман. Марказий «Пахтакор» стадионидан олиб кўрсатилади. 1-тайм.
19.45 «Панорама» (рус тилида).
20.05 Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашуви. Ўзбекистон — Яман. Марказий «Пахтакор» стадионидан олиб кўрсатилади. 2-тайм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Япония.
22.05 Ўзбекистон халқ ҳофизи Фатҳохон Мамадалиев қўйлайди.
22.35 Экранда — кинокомедия. «Бошпана излаб».
23.55 Эълонлар.
24.00 «Ҳафтанома».
00.30 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Боланинг тили...».
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Қўшиқлар жилоси».
9.40 «Қонун ҳимоясида».
9.50 «Ҳанда дўкони».
10.05 «Бизнес-академия».
10.20 «Дармон».
10.30 «Мафтункор чеҳралар».
10.50 «Даллас». Телесериал.
11.40 «Умрбоқий мерос».
11.55 «Интер-футбол».
12.15 — 13.50 Видео—»О».
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.20 «Мультипанорама».
18.45 «Турфа олам».
19.[illegible] «Тухфа».
19.15 «Келгуси ҳафтада».
19.30 «Бир жуфт қўшиқ».
19.40 Эълонлар.
19.45 «Панорама» (рус тилида).
20.10 «Бу мунис лаҳзалар».
20.35 «Соғинч».
20.45 «Тақвим».
21.00 «Ҳафтанома»
21.30 Эълонлар
21.35 «Даллас». Телесериал.
22.25 «Фақат футбол ҳақида».
23.00 Видео—»О».
00.35 — 00.45 «Даракчи».

III
16.25 Дастурнинг очилиши. Реклама.
16.30—20.50 Россия жамоат телевиденияси.
20.50 Реклама.
20.55 «Янги қасоскорлар». Телесериал.
22.35—23.00 «Панорама».

IV
9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!»
9.30 «Парле ву франсэ».
10.00 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.40 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.55 Киносалон. «Вахший». 1-қисм.
13.30 «Мусиқий олимп».
13.50 «Жаглар». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.25 «Жонли сайёра».
15.45 «Бугунги кун мавзуси».
16.00 «Сенинг вақтинг».
16.20 Кундузги се

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 5-iyul, shanba № 78 (22.162).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Спорт

ҚУЛОҒИНИ ТИШЛАДИ-Я

Мухлислар орзиқиб кутган қизиқарли бокс учрашуви бўлиб ўтди. Профессионал бокс усталари Майк Тайсон билан Эвандор Холифилд Лас-Вегас шаҳрида рингга кўтарилдилар. Маълумки, Майк аввалги учрашувида нокаутга учраб, имкониятни бой берган эди. Шу боис, бу сафар у ўч олишга чоғланди. Бунинг устига иккинчи раунд охирида қовоғи ёрилиб, кайфияти бузилди. Навбатдаги раунд бошида эса ҳар иккала боксчи гўё сузишаётгандек бир-бирларига тиралиб-суркалиб қолишди. Тайсон эса кутилмаганда ғайри-табиий ҳаракат қилиб, рақибининг қулоғини шартта тишлади. Хуллас, Тайсон ҳамиша таъкидлаб келганидек бу сафар ҳам ўзини йўқотиб қўйганди. Бунинг устига у йўлакда миршаблардан бирига мушт тушириб, гуноҳини янада оширди. Хуллас, ўзига аталган 30 миллион доллардан маҳрум бўлди. Бу ёғи ҳакамларга боғлиқ.

БЎШ КЕЛИШ ЙЎҚ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия боксчилари бир қанча ўртоқлик учрашувларида куч синашдилар. Зеро, боксчиларимиз бўш келмасликка ҳаракат қилиб, юртимизда спортнинг мазкур турига катта эътибор берилаётганлигини намойиш этишди. Хусусан, вакилларимиз Андижонда 7:3, Фарғонада 6:4, Самарқандда 5:3 ҳисобида устун келдилар. Ангренда ҳам ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлинди. Жиззахда эса дурранг (5:5) ҳисоби қайд қилинди.

НИЯТИМИЗ ЙЎЛДОШ БЎЛСИН

Жаҳон чемпионатининг финалига йўлланма олиш учун Осиё мамлакатларининг терма жамоалари дастлабки саралаш ўйинларини якунлашди. Кўзда тутилган 10 та жамоа номи маълум бўлди. Энди Саудия Арабистони, Эрон, БАА, Корея Республикаси, Қувайт, Катар, Хитой, Япония, Ўзбекистон ва Қозоғистон футболчилари ташланган қуръага кўра 3 ё 4 та йўлланмадан бирини қўлга киритиш учун ҳал қилувчи баҳсларга киришадилар. Маълумки, мамлакатимиз бош терма жамоаси муддатидан аввал, гуруҳ ғолиби сифатида кучлилар сафига қўшилган. 13 июль куни улар Яман футболчиларини қабул қилишади. Тўғри, навбатдаги босқич қизғин ва муросасиз бўлиши табиий. Зеро, ватандошларимизнинг Францияга боришларидан барча умидвор бўлиб турибди.

МАЙДОНДА ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАР

Самарқандда футболчи аёллар ўртасида ўтказилган республика биринчилиги якунланди. Мусобақада 8 вилоятдан жамоалар қатнашди. «Андижанка» қизлари барча учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, дастлабки чемпионат ғолиби бўлишди. Улар 50 та тўп киритиб, ўз дарвозалари дахлсизлигини таъминлашди. Элма Ғуломова 32 марта дарвозани нишонга олиб, тўпурар номига сазовор бўлди.

ЖАҲОН ДАВРАСИДА БЕЛЛАШУВ

Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида бўлган Европа ва Осиё қитъалари кикбоксингчилар II чемпионатида жаҳоннинг 27 мамлакатидан 500 дан зиёд курашчи қатнашди. Ўзбекистон терма жамоаси йигитлари беллашувларда муносиб соврин эгалари бўлишди. Олмос Юсуфов олтин, Акмал Акрамов кумуш, Владислав Резник бронза нишонлари соҳиби бўлишди.

ҚИРҚҚА ЯҚИН ДАВЛАТДАН САНЪАТКОРЛАР КЕЛИШАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра шу йил 25 августдан 2 сентябрга қадар Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» деб номланган халқаро мусиқа фестивали ўтказилади. ЮНЕСКОнинг халқаро маданий тадбирлари қаторига киритилган ушбу нуфузли анжуманда қирққа яқин давлатдан санъаткорлар келиб иштирок этиши кутилмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида ўтказилган журналистлар билан учрашувда фестивалга тайёргарликнинг бориши, уни оммавий ахборот воситаларида ёритишни ташкил этиш ва бошқа тадбирлар билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0433

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Фуқаролар, корхона ва ташкилотлар диққатига
"ЎЗЭЛЕКТРАСБОБСАВДО" ҳиссадорлик жамияти

Асакада ишлаб чиқарилаётган "НЕКСИЯ", "ДАМАС", "ТИКО" автомобилларини *таклиф этади.*

Тўлов усули: нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 125 -уй.
Телефонлар: 48-41-29, 48-25-46.

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСА, ФИРМАЛАР ВА ФУҚАРОЛАР
ДИҚКАТИГА!

Қадим ва азим Самарқандининг машҳур "Сиёб" деҳкон бозори очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳар бири 1000 сўмлик оддий ўз АКЦИЯЛАРИНИ сотмоқда. Уларни харид қилишга шошилинг! Даромадингиз ортгандан ортади. Бунга кафилмиз.

Мурожаат учун Самарқанддаги телефонлар: (код. 3662) 35-13-46, 35-82-08.

UZBEKISTAN airways

ДИҚҚАТ! ТЕЗ ОРАДА!

«RJ-85» — ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИДА!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, МДҲда биринчи бўлиб, шу ёздан бошлаб инглиз-француз ишлаб чиқаришининг янги самолёти -«RJ-85»дан фойдаланишга киришмоқда.



Қулай ва тежамкор самолёт шинамли машҳур «А-310» ва «Боинг»лардан сира қолишмайди. 85 йўловчига мўлжалланган самолёт тез орада Ўзбекистоннинг Нукус, Фарғона, Урганч ва бутун жаҳондаги сайёҳлар эътиборини ўзига тортувчи меъморчиликнинг нодир обидалари жойлашган бошқа шаҳарларига парвозларни бажаради. Учиш олислиги-2500 км.гача, бу эса МДҲнинг баъзи шаҳарларига ва хорижий аэропортларга парвоз қилиш имконини беради.

«RJ-85» самолёти Ғарб йўловчилари ўртасида жуда машҳурдир. Эндиликда республикамиз аҳолиси ва унинг кўпдан-кўп меҳмонлари ушбу самолётнинг учиш сифатларини муносиб баҳолаш имкониятига эга бўлдилар. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг махсус тайёргарликдан ўтган ходимлари янги ҳаво кемаларида сизлар билан учрашишдан бағоят хушнуд бўлурлар!

Авнореклама

МАҲСУЛОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ!

Тегирмон, макарон-нон маҳсулотларини тайёрлаш, сутни, жунни қайта ишлаш ва бошқа ускуналарни харид қилишингиз;

Ўз жиҳозларингизни ҳам харидорларга таклиф қилишингиз мумкин.

Манзил: Чилонзор метроси яқинидаги Наққошлик кўчаси 2-уй, Агрофирма.
Тел: 79-18-30; 79-24-40.

Бекобод шаҳридаги 1-ўрта мактаб томонидан 1985 йилда ЭШОНҚУЛОВА Ҳулкар номига берилган № 839026 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги 16-ўрта мактаб томонидан 1980 йилда БАҲРОМОВА Назира номига берилган № 194355 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Ўзхимфарм» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг *«Ялонғоч» омборига* хом ашё ва маҳсулотларини *сақлаш учун топширган ТАШКИЛОТЛАР ДИҚКАТИГА!*

Ушбу эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида «Ўзхимфарм» ОТҲЖ маъмуриятига шошилинч мурожаат этишингизни сўраймиз.

Вниманию руководителей автопредприятий!
Ташкентский филиал АО УзАСК «Йўловчи» предлагает к реализации запчасти на автомобили

ГАЗ-24
Вкладыши коренные
Вкладыши шатунные
Водяной насос
Втулки резьбовые
Втулки рессорные
Диск сцепления Г-24
Выжимной подшипник
ГПГ (4 гильз.+ 4порш.)
Главн. тормоз. цилиндр Г-24
Диск сцепления ведомый
Карбюратор К-126Г
Катушка зажиг. Б-117
Кольца поршневые
Накладки тормозные
Отбойники зад. рес.
Панель задняя
Подушка перед. двиг.
Подшипник 203; 7607; 180306
Прокладки гол. блока
Свечи А-11; А-17
Трос спидом. L-1,5—1,6; 2,5
Фильтр масляный
Шаровые пальцы Г-24.
Шкворня Г-24 с подшип.
УАЗ
Кардан перед. УАЗ-452
Кардан перед. 452
Подшип. перед. ступицы
ГАЗ-53
Амортизатор Г-53
Бензонасос Г-53
Блок шестерен КПП
Вкладыши Г-53
Втулка распредвала
Вал первичный
ГПГ Г-53 (Самарканд)
ГПГ Г-53 (Завольже)
Капот
Клапан впускной
Клапан выпускной
Коленвал Г-53 с вклад.
Корзина Г-53
Накладки сцепления
Накладки торм. задн.
Накладки торм. перед.
Подшипник выжимной
Проклад. гол. блока
Рем. комплект вакуума
Рычаг сцепл. с подшип
Свечи А-11
Стартер Г-53
ГАЗ-52
Вал карданный
Вкладыши шатунные
Головка блока
Карбюратор К-126 «И»
Накладки сцепления
ЗИЛ-130
Амортизатор
Балка перед. моста
Вкладыши компрессора
Втулки шкворней
ГПГ З-130
Кольца порш. Р-100,5, 101
Накладки торм. прицеп.
Накладки торм. перед.
Пальцы рул. тяги
Подшипник выж. 688811
Поршень палец. Урал
Прок. пауки пер. и зад.
Прокл. всас. колл. бок.
Прокл всас колл. пер.
Прокладка гол. блока
Прокладка клап. крыш.
Ремень клиновый 1103
Рессоры пер., задн.
Синхронизатор 2-3 пер.
Уплотн. трубы глушит.
Шестерни КПП втор. вала
КАМАЗ
Блок двигателя
Вкладыши коренные
Вкладыши шатунные
Водяной насос
Генератор Г-273
Клапан двойной.
Кольца порш. Н. Челны
Крестовина в сборе
Лоб. стекло триплекс
Манжета 5160
Манжета 76/80
Манжета КПП 1230/1238
Накладки сцепления
Накладки торм. КАМАЗ
Плунжерные пары Барнаул
Подшипник опор. 108810
Подшипник выж. 996714
Прокладка ГБК в к-т
Прокладка клап. крыш.
Рем.комплект ПГУ
Рем. комплект ТМВД
Ремкомплект рег. давлен.
Ремкомплект гл. торм. крана
Ремень клиновой 1320
Ремень 8,5-8-1280
Ремкомплект вод. насос
Сальник зад. ступицы
Стартер СТ-142
Термостат ТС-107
Фильтр топливный
МАЗ
Балка переди. моста
Вал карданный 6422 (МАЗ)
Вкладыши шат. ЯМЗ236, 238
Включатель мас. ВК 700
Генератор 208 МАЗ
Пальцы поршневые МАЗ
ТНВД ЯМЗ Г-38
Фильтр топл. гр. очис.
Фильтр топл. тон. очис
Шестерн. вед. борт. пер.
Шестерня ведущ. борт.
ПРОЧИЕ
Автолампы в ассортименте
Болт М-10 L-150
Болт М-12 L-50
Гайка М-10
Гидроцилиндр трактор
Головка блока А-01
Насос гидр. 21016Н
Пистолет заправочный
Трос спид. L-2.5
Трос L-1.5-1.6
Паронит ПОН 0,4; 0,8 мм
Подшипники № 46124
Подшипники № 46216
Сальниковая набивка АПР
Асботкань АТ-1; АТ-3
Слесарные инструменты более 15 наименований.

А также имеется в ассортименте более 300 наименований

Оплата по перечислению и векселями по договоренности.
Адрес: г. Ташкент, ул. Лайбека, 47.
Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19. Факс: (3712) 54-76-31.

Ўзбекистон—Россия
Тошкент «КамАЗ» автомаркази қўшма корхонаси *таклиф этади:*

- «КамАЗ» автомобилларининг тақчил эҳтиёт қисмлари
- «Бриджестоун» автошиналари (Япония), ўлчамлари: 260x508, 320x508.
- «КамАЗ» туркумидаги автомобилларнинг двигателлари, қисмлари, агрегатлари ва тормоз тизимларига техникавий хизмат кўрсатиш ҳамда уларни кафолатли таъмирлаш ишларини бажаради.

Ҳақ тўлаш шакли — турлича.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 6-даҳа. Қорақамиш кўчаси, 6-уй. (Мўлжал — «Зенит» заводи)
Телефон: (3712) 24-98-22,
Факс: (3712) 24-59-25.